

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

Ф.ф.н., катта ўқитувчи
З.А.АХМЕДОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг
“Юксак маънавият - енгилмас куч” асари асосида ўтказиладиган
очиқ маъруза дарси услубий ишланмаси

Тузувчи: Ахмедова З.А. – Бухоро давлат тиббиёт институти
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Услубий ишланмада очик маъруза дарсини ўтказишнинг услубий жиҳатлари, маъруза баёни, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, мавзунинг бошқа фан мавзулари билан алоқаси(интеграция), талабалар билимини мустаҳкамлаш усуллари кўрсатилган.

Очик маъруза дарси 2008 йил 19 декабрь куни III парада институт “Масофали ўқитиш маркази”да ўтказилди.

МАВЗУ:

Маънавият-инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир

Режа:

1. Маънавиятни англаш.

- Маънавият тушунчасининг мазмун – моҳияти. Маънавий тарбия масаласи.
- Маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар.

2. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар.

- Миллий ва маънавий мерос.
- Маънавиятни шакллантиришнинг асосий мезонлари ва негизлари.

Маишулот мақсади:

Ёшларга инсон, миллат, давлатнинг барқарорлиги, тараққиётга эришиш ва бу йўлдаги қийинчиликларни енгишда энг ҳал қилувчи куч ва таянч нуқта юксак маънавият, айти пайтда юксак маънавият - енгилмас куч, жамият тараққиётининг асосий воситаларидан бири ва инсон камолотининг йўлчи юлдузи эканлигини талабалар онгига сингдиришдан иборат

Маишулот вазифаси:

Ёшларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда миллий тарбия модулини яратиш, талаба–ёшларда маънавий таъминланганликни шакллантириш ҳамда инсон манфаатларининг халқ, миллат, давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлигини таъминлашни, маънавият инсоннинг улғайиши ва куч-қудрат манбаи эканлигини, маънавий тикланиш ҳамда юксалишда, албатта, мустақилликнинг зарурлигини, маънавиятимизга ҳар қандай таҳдид ўзлимиз ва келажагимизга таҳдид эканлигини, ушбу таҳдидларга қарши курашишга доимо хушёр туриш зарурлигини, маънавий баркамол, ғоявий курашчан инсон Ватанимиз тараққиётининг пойдевори эканлигини талабаларга тушунтириш лозим.

Маърузага ажратилган соат: 2 соат

Маишулотни ўтиш услублари:

“Ақлий хужум”, “Тушунчалар таҳлили”, “Билимингизни синаб кўринг”, “Тушунчани таърифланг”, “Кластерлар”.

Таянч тушунчалар ва иборалар:

Мустақиллик, халқ маънавияти, маънавий тарбия, тарихий хотира, ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш, меҳр-оқибат, менталитет, миллий менталитет, маънавий таҳдид, мафкуравий хуруж, сабр-қаноат, ирода, миллий ғурур, миллий рух, виждон тушунчаси, эркин фикрлаш, миллий мерос, маданий бойликлар, илм, ахлоқ, бадий ва диний қадриятлар, “Авесто” халқ оғзаки ижоди, ислом дини, диний ақидапарастлик, оила, маҳалла, таълим-тарбия.

Таянч тушунчалар ва ибораларнинг ўқув мақсади:

Мустақиллик, халқ маънавияти, маънавий тарбия, тарихий хотира, ўзликни

англаш, миллий ўзликни англаш, меҳр-оқибат каби тушунчаларни талабалар онгига сингдириш (тушуниш); миллий ғурур, миллий рух, виждон тушунчаси, эркин фикрлаш тушунчаларининг маъно-моҳиятини очиб бериш (таҳлил қилиш); миллий мерос, маданий бойликлар, илм, ахлоқ, бадиий ва диний қадриятлар тўғрисида маълумот бериш (қўллаш).

Маърузада қўлланиладиган дидактик воситалар:

1. “Юксак маънавият-енгилмас куч” мультимедиа.
2. Тарқатма материаллар.
3. Мавзу бўйича схемалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2008.
2. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
3. Каримов И.А. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ. 5-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997. 145-150 бетлар.
4. Каримов И.А. Адолат ва кудрат тимсоли. 5-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997. 179-180 бетлар.
5. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. 5-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997. 181-190 бетлар.
6. Каримов И.А. Иқтисодиёт ва маънавият ажралмасдир. 6-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998. 314-317 бетлар.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. 7-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999. 84-102 бетлар.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999. 132-154 бетлар.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият-жамият тараққиётининг асоси. 7-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999. 223-235 бетлар.
10. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, “Шарқ”, 1999.
11. Каримов И.А. Хушёрликка даъват. 8-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000. 18-31 бетлар.
12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2003. 214-247 бетлар.
13. Каримов И.А. Хушёр ва огоҳ бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айлансин. 12-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2004. 383-394 бетлар.
14. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. 13-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2005. 133-154 бетлар.
15. Каримов И.А. Инсон хотираси-муқаддас, инсон қадри - улуғ. 14-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 2006. 213-221 бетлар.
16. Каримов И.А. Ўзбек халқининг Ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг эътирофи. 15-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007. 211-223 бетлар.

17. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007.

18. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2008.

19. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008.

20. Маънавий юксалиш йўлида. (Муаллифлар жамоаси) Тошкент, “Маънавият”, 2008.

Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни,
мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги
обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг
униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга
кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир
ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

И.А.Каримов

Биз одатда маънавият ҳақида, унинг маъно-мазмунини, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз. Ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сисий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий.

“Маънавият” тушунчасининг мазмуни фақат “маъни”, “маъно” деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмайди. Нега деганда, инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутди.

Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, инсон барча қарашларининг мезонидир.

“Маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади.

Маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар, биринчи навбатда инсоннинг руҳий покланиши ва қалбан улғайиши ҳақида гапирар эканмиз, бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар билан биргаликда бундай олижаноб фазилатлардан бутунлай узоқ бўлиб яшайдиган шахслар ҳам оз эмаслигига эътибор беришимиз лозим.

Юксак маънавий тушунчалар билан яшашга ҳаракат қиладиган одамнинг бугун ҳам кўп машаққатларни, оғир синов ва тўсиқлар, муаммоларни енгиб ўтишига тўғри келади.

Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш-одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон.

Маънавиятнинг яна бир муҳим хусусияти одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қилишда ёрқин намоён бўлади.

Виждон поклиги ва бедорлиги асрлар, замонлар оша инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири бўлиб келмоқда. Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсофу диёнат каби тушунчаларни қарор топтиришда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Виждони

уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва қўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз ҳатти-ҳаракатларга ҳеч қачон четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди. Бундай ҳолатларни кўрганда виждони қийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, улурни бартараф этишга интилади, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жонини ҳам фидо қилади.

Маънавият инсоннинг қон-қонига, суяк-сугига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатрама-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, уни янада кучайтиради.

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар Президент И.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида кўрсатилган. Булар:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Инсоният тарихи маънавият-инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди.

Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак.

Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда манаъвиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарих, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табарруқ заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисматига айланиб кетган дунёвий ва диний илимларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимий тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда

кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиз. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Мисол учун, “Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устивор ғояси сифатида таълкин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлтқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир.

Халқ оғзаки ижоднинг ноёб дурдонаси бўлиш “Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ватонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, “Алпомиш” ана шу дostonнинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақланган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олийжаноблик, вафо васадокат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

“Алпомиш” достони бизларга, биринчи навбатда:

- тарихий илдишларимизнинг қанчалик чуқур экани;
- халқимиз қандай табиий-ижтимоий муҳитда шаклланиб, ривожланганини;
- аجدодларимизнинг олис даврларда ҳам жамоа бўлиб, бир-бирларига елкадош бўлиб, ўз бошига тушган қийинчиликларни биргаликда енгиб яшаганини ёрқин бўёқларда тасвирлаб беради.

Шу боис “Алпомиш” достони бизга ватанпарварварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Бу ўлмас асарни халқимиз асрлар давомида яратган, ўз иймон-эътиқодидек асраб-авайлаган, қанча авлод-аждодларимиз “Алпомиш” достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий бойликка эга бўлган. Демак, халқимиз бор экан, Алпомиш сиймоси ҳам барҳаёт.

Халқимиз маънавиятининг юксалишида миллий-маънавий анъаналар, жумладан миллий урф-одатимизнинг роли беқиёсдир. Буларга:

- меҳр-оқибат;
- инсонни улуғлаш;
- тинч ва осойишта ҳаёт;
- дўстлик ва тотувликни қадрлаш;
- турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби қадриятлар киради.

Маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир мезон-муқаддас динимиз.

Заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисил илмий-ижодий

кашфиётлари бугунг ҳам жаҳон аҳлини хайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакиллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илик ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шакилланади.

Бола тарбиясидаги соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғдунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан-жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан-мамлакат барқарордир.

Маънавият ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда, маҳаланинг роли ва таъсири хусусида тўхталиш албата ўринлидир.

Маънавиятни шакиллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил-бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифт, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва милат равақининг энг асосий шарт ва гарови деб билган. Буюк мутафаккирларимизнинг бемисл илмий-иждоий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини лол қолдирмоқда.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Президент И.Каримов қуйидаги фикрларни келтиради:

“Яна бир улуғ аждодимиз – Аҳмад Фарғоний инсоният тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва кучли намояндаси, ўз замолнасининг фундаментал фан асосчиларидан бири сифатида башарият дунёқараши ва маънавиятининг ривожланишига бекиёс таъсир кўрсатди”.

“Миллий тарихимизнинг яна бир ёрқин юлдузи Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо берар экан, америкалик фан тарихчиси Сартон ХI асрни “Беруний асри” деб таърифлайди”.

“Ноёб фазилатлар соҳиби бўлмиш машҳур аллома Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўқув юртларида асосий тиббиёт дарсликларида бири сифатида ўқитиб келингани, дунё миқёсида “Медицина”, “Соғлом турмуш тарзи” деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилгани, албатта, чуқур ҳаётий ва илмий заминга эга”.

“Шахсан мен “Темур тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики, ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман”.

Ўрта Осиё Уйғониш даври сўнги босқичининг ёрқин вакили, улуғ мутафаккир, шеърийат мулкининг султони, буюк гуманист шоир Алишер Навоий (1441-1501)дир. И.Каримов бу улуғ зотга шундай баҳо беради: “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак,

мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониدير”. Мутафаккир асарларида Уйғониш даврига хос бўлган инсонпарварлик ғоясини кўтариб, комил инсон, одамийлик, яхшилик ва эзгулик, саховатпешалик ҳақида сўз юритди, бутун умри ана шу қадриятларга содиқ қолди.

Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикирлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш-таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди-бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Бу ҳақда фикир юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидиир” деган чуқур маъноли сўзларини эслайман.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Миллий ўзликни англаш маънавийатни қай даражада белгилайди?
2. Маънавий таҳдид деганда нимани тушунаси?
3. Миллат тараққиётига миллий рух, миллий ғурур, миллий менталитетнинг таъсири нималардан иборат?
4. Миллий ва маънавий мерос деганда нимани тушунаси?
5. Демократик қадриятлар ва халқ руҳияти билан миллий-маънавий анъаналар вобасталиги нималарда намоён бўлади?
6. Маънавийатни шакллантиришнинг асосий мезонлари ва негизлари нималардан иборат?
7. Ёшлар маънавий олами дахлсизлигини таъминлашда оиланинг роли нималарда деб биласиз?

Талабалар билимини мустаҳкамлаш

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Т/р	Асосий тушунчалар	Маданият	Маънавият	Қадрият
1.	Инсон қалбидаги илоҳий нур			
2.	“Шаҳарлик” маъносини англатадиган сўз			
3.	Биз учун қадрли неъматлар			
4.	Инсоннинг виждонини уйғотадиган беқиёс куч			
5.	“Экиб, ўстириш” маъносини англатадиган сўз			
6.	Инсоннинг зот белгиси			
7.	Инсон ва унинг ҳаёти			
8.	Моддий ва маънавий бойликлар тизими			

ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ

Тушунча	Нимани англатади	Тушунчанинг инсон ҳаётидаги аҳамияти
Маънавият		
Маънавий мерос		
Юксак маънавият		
Виждон		
Эркин фикрлаш		
Миллий ғурур		
Инсонийлик		

ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ

Тушунча	Нимани англатади	Тушунчанинг инсон ҳаётидаги аҳамияти
Маданий бойликлар		
Ахлоқ		
Таълим-тарбия		
Маънавий тарбия		
Тарихий хотира		
Меҳр-оқибат		
Ватанпарварлик		

ТУШУНЧАНИ ТАЪРИФЛАНГ

Маънавият	
Умуминсоний кадриятлар	
Мустақиллик	
Ватан қадру-қиммати	
Тарихий хотирасиз келажак йўқ	

ТУШУНЧАНИ ТАЪРИФЛАНГ

Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал	
Комил инсон	
Инсон қадру-қиммати	
Миллий кадриятлар	
Бағрикенглик	

ТУШУНЧАНИ ТАЪРИФЛАНГ

Маънавиятнинг таркибий қисмлари	
Маънавиятни шакллантириш мезонлари	
Оила	
Маҳалла	
Диний кадриятлар	